

Газета 1930 йил 12 майдан
чиқа бошлаган

ОЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛАТӢӢ ҶАҲОНӢ

Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ПОСТГА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 18 июль, пайшанба • 29 (3453)-сон




ФОЛИБЛИК

Шу йил 10-11 июль кунлари Тошкент шаҳар ИИБ базасида республика ИИВ тергов хизмати ходимлари ўртасида касб маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлиги бўйича кўриктанлов ўтказилди. Унда иштирокчилар 100 ва 3000 метрга югуриш, турнирда тортилиш, ўқ отиш, қўл жанги бўйича куч синашдилар.
Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва ислохотлар юзасидан тест саволларига берилган жавоблар ҳамда жиноят ишини тергов қилиш маҳоратига қўйилган баҳолар жами умумлаштирилиб ғолиблар аникланди.



МУБОРАК!



УЧНИНСИ «Постга» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV OLAM

ЮТУҚЛИ СКАНВОРД

5000 СҮМ

ДИҚҚАТ! ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Тергов тизимларида тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб бораётган тергов ходимлари томонидан қонун бузилишларига йўл қўйиш, шунингдек, тергов идоралари ходимларининг дастлабки тергов олиб борищдаги фаолиятига процессуал ваколатга эга бўлмаган мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашуви ҳолатлари мавжуд. Шуни эътиборга олиб турли хил тўсқинликларсиз, бевосита ва эркин мулоқот қилиш имкониятларини яратиш, аниқланган салбий ҳолатларга ўз вақтида таъсир чоралари кўриш ва уларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қуий тизимларида “Ишонч телефонлари” ташкил этилган.

Юқоридаги масалалар юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қўйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ТББ	Тошкент ш.	133-65-34
Қарақалпоғистон Республикаси ИИВ ТБ	Нукус ш.	222-56-19
Тошкент шаҳар ИИБ ТБ	Тошкент ш.	56-74-82
Тошкент вилояти ИИБ ТБ	Тошкент ш.	64-41-83
Самарқанд вилояти ИИБ ТБ	Самарқанд ш.	33-50-75
Сирдарё вилояти ИИБ ТБ	Гулистан ш.	25-27-94
Жizzах вилояти ИИБ ТБ	Жizzах ш.	6-14-02
Бухоро вилояти ИИБ ТБ	Бухоро ш.	4-40-09
Навоий вилояти ИИБ ТБ	Навоий ш.	223-25-91
Фарғона вилояти ИИБ ТБ	Фарғона ш.	24-34-35
Андижон вилояти ИИБ ТБ	Андижон ш.	24-26-43
Наманган вилояти ИИБ ТБ	Наманган ш.	6-60-55
Сурхондарё вилояти ИИБ ТБ	Термиз ш.	7-52-99
Қашқадарё вилояти ИИБ ТБ	Қарши ш.	3-82-45
Хоразм вилояти ИИБ ТБ	Урганч ш.	226-14-17
Транспорт ИИБ ТБ	Тошкент ш.	59-69-08
		54-77-55

Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Тергов Бош бошқармаси.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ЖАРИМАЛАР

Йўл тасодифларга тўла, деймиз. Транспорт во-
ситалари тигиз йўллар, кўчаларда содир бўлган
қоидабузарликлар, автоҳалокатларнинг сабаб-
чиси ўзимиздир. Йўл ҳаракати қоидаларини
яхши билмаслик, унга риоя этмаслик ёки писанд
қилмаслик оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар со-
дир этилаёттани сир эмас.

Ҳукуқий-демократик давлат курилиши сари одим-
лаёттан мамлакатимизда ҳар қандай қоидабузарлик-
ка нисбатан адолатли чоралар кўрилади. Жумладан,
йўл ҳаракати қоидаларини бузган фуқаролар жарима-
лар тартилади. Шу муносабат билан эътиборингиз-
га Ўзбекистон Республикаси Мъамурий жавобгар-
лик тўғрисидаги кодексда белгиланган йўл ҳаракати
қоидалари бузилганлиги учун олинадиган жарима-
лар миқдори ҳақидаги маълумот ҳавола этилаяти.
Маълумот билан газетамизнинг 4, 13-бетларида та-
нишасиз.

ФОЛИБЛИК МУБОРАК!

Шу йил 10-11 июль кунлари Тошкент шаҳар ИИБ базасида республика ИИВ тергов хизмати ходимлари ўртасида касб маҳорати, жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича кўрик-тандлов ўтказилди.

Унда иштирокчилар 100 ва 3000 метрга югуриш, турникда тортилиш, ўқотиш, кўл жанги бўйича куч синашдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва ислоҳотлар юзасидан тест саволлари га берилган жавоблар ҳамда жиноят ишини тергов қилиш маҳоратига кўйилган баҳолар жами умумлаштирилиб голиблар аниқланди.

Кўрик-тандловда Тошкент шаҳар ИИБ тергов бошқармаси терговчиси, милиция катта лейтенанти Темур Муҳамедов ҳамма шартларни аъло даражада бажариб, биринчи ўринни эгаллади ва "Энг яхши терговчи" деган унвонга сазовор бўлди. ИИВ тергов Баш бошқармаси терговчиси, милиция капитани Сефебай Дилдабеков ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ тергов бошқармаси тергов-

чи, милиция катта лейтенанти Рифат Ҳасановлар сазовор бўлдилар.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳар ИИБ тергов бошқармаси эгаллаб, "Энг яхши тергов жамоаси" унвонига эришди. Иккинчи ўрин ИИВ тергов Баш



ни қўлга киритишди. Учинчи ўринни эса Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Альберт Галиев, Сирдарё шаҳар ИИБ тергов бўлими терговчиси, милиция капитани Серебрай Дилдабеков ҳамда Самарқанд вилояти ИИБ тергов бошқармаси тергов-

бошқармасига, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти ИИБ тергов бошқармасига насиб этди.

Голиблар республика ИИВ тергов Баш бошқармасининг вимпели, сертификати, пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

К. НАБИЖАНОВ,
милиция майори.

Ҳисобот

ТАНҚИДИЙ БАҲО БЕРИЛДИ

Жорий йилнинг ўтган оли ойи давомида Чирчиқ шаҳрида жиноятлар сони 2001 йилнинг шу даврига нисбатан 30 тага камайди, содир этилган жиноятларнинг қарийб 93 фоизи очилди. Босқинчилик, талончилик, безорилик, йўл-транспорт ходисалари сезиларли даражада камайди.

Яқинда, шаҳар ИИБда ўтган оли ойда амалга оширилган ишларнинг аҳволи ва навбатдаги режаларга бағишиланган йигилиш бўлиб ўтди. Ҳисобот йигилишда шаҳар ҳокимилиги, жамоат ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йигинлари раҳбарлари, фаоллар иштирок этилар.

Йигилишда асосан йўл қўйилаётган камчилкларни муҳокама қилидик. Ўтган ярим йилдаги фаолиятимизга жамоатчилик вакиллари холисона баҳо беришди, — деди шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковники Р. Одинаев. — Хизматдаги ютуқ ва камчилклар ўзимизга кўпам билинавермайди. Четдан кузатган кишига эса ҳаммаси яққол кўринади. Йигилишда маҳалла фуқаролар йигини раислари худудда хизмат қилаётган профилактика инспекторлари фаолиятининг яхши томонларини кўрсатиш билан бирга, ишидаги камчилкларнинг асосий сабабларини айтиб ўтдилар.

Шаҳарда белгиланган режа ва кўрсатмаларга асосан "Тозалаш", "Тун", "Назорат", "Кидирув", "Арсенал", "Паспорт", "Орият", "Спитамен"

дан фуқаролар қониқиши осил қилмаятилар.

Шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркибининг асосий қисмини ёш ходимлар ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқий билими, касб маҳорати, жанговар тайёргарлигини мунтазам равишда ошириб бориш зарур. ИИБ раҳбарияти бу борада намунали ишларни амалга оширипти. Айниқса, ходимлар спортнинг бирор тури билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратилган.

Аввало, хизматда мустаҳкам интизом бўлиши керак. Шахсий таркиб ўртасидаги интизом ходимлар фаолиятининг мезони хисобланади. Хизмат интизомини бузганлар эса тегиши жазо олишлари керак. Шаҳар ИИБ раҳбарияти интизомга риоя этмаган, бузган ходимларга нисбатан муросасиз бўлмоқда. Бу эса интизомни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Ўтган оли ойда тўрт нафар ходим хизмат интизомини бузганлиги, фаолиятидаги камчилклари учун жазоланди.

Чирчиқлик милиция ходимлари ярим йиллик фаолиятларини танқидий нуқтага назардан таҳлил этишди. Йўл қўйилган камчилклар аниқланниб, уларни бартараф этиш чора тадбирлари белгилаб олинди. Зоро, бу келгусидаги ишларнинг ривожига хизмат қиласи.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Шу кунларда Хоразм вилояти худудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ходисаларининг олдини олиш максадида "Трактор" ҳамда "Таътил" тадбирлари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирлар самарали бўлиши учун қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ютуқлар ўзимизники, аммо муаммоларни ҳам унутмаслигимиз керак. Сайҳаҳаракатларимизга қарамай баъзи ширкат хўжаликлари раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари йўл-ҳаракати хавфсизлигини

чимиз. Туман мактабларида йўл-ҳаракати қоидалари бўйича ўтказилаётган машғулотлар кўнгилдагидек эмас. Йўл-ҳаракати хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилмаган. Ўкувчилар ўртасида "Йўлчирок", "Яшил чироқ" каби мусобақаларни ўтказиш учун зарур бўлган намунали автомайдонча ташкил отишади тегишиларни ташкиллар билан келишиб, ана шундай хайрли ишга киришгандик. Аммо туман халқ таълими бўлими раҳбарияти автомайдонча учун зарур маблагни ўтказмагани оқибатида бу иш яна муаммолигида қолди. Халқ таълими бўлимига ўнлаб тақдим-

АМАЛИЙ ИШЛАРГА МАСЪУЛМИЗ

таъминлашдек ўта муҳим ва долзарб вазифага етарли эътибор беришмаяти. Натижада жихозланмаган транспорт воситаларида одам ташиш қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Трактор ва трактор тиркамаларида нур қайтаргичлар йўклиги, ишга чиқарилаётган автомобиль ва тракторларнинг техник ҳолатида жиддий носозликлар учраётгани ачинарлидир.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Бофот туманинага "Ўзбекистон", Зарборд ширкат хўжаликларида қарашли МТЗ-80 русумли трактор ҳайдовчилари К. Саидов, К. Раҳметов, Б. Отаниёзов, Ш. Султоновлар одам ташиш қоидасини кўпол равишда бузган ҳолда руль бошқариштани аниқланди.

Баъзи ҳайдовчилар йўл-ҳаракати қоидаларига амал қиласмасликлари оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар рўй берадигани афсуски, кеч пайқашмояда. Навоий номли ширкат ҳўжалигига қарашли трактор ҳайдовчиси М. Болтаев ана шундайлардан бори. У ўзига биркитилган Т-28 X 4 русумли тракторни ҳўжалик йўлидан бошқараётib, пиёда Отабек Собировни уриб юборган. Жабрланувчи воқеа жойда ҳалок бўлган.

Шу ўринда туман халқ таълими бўлими раҳбарларига жиддий эътиroz билди.

У. АБДУЛЛАЕВ,
милиция майори.

НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криимиалистика хизмати томонидан 2002 йилнинг оли ойи давомида амалга оширилган ишлар якунига багишиланган йигилиш бўлиб ўтди.

Уни ИИВ Эксперт-криимиалистика бўлими бошлиги, милиция полковники Г. Никишин очди ва бошқарди.

Нотик ўтган вақт мобайнида эришилган натижалар хисусида батафсил гапириб берди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида хизмат томонидан ҳуқуқбузарликларга қарши курашда техник-криимиалистик таъминлашни яхшилаш, шунингдек белгилаб тадбирлар тўйлиқ бажарилиши учун анча

саъй-ҳаракатлар қилинди. Бу борада, айниқса, Тошкент шаҳар ИИББ, Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ИИБлари эксперт-криимиалистика бўлинимлари ходимлари яхши натижаларни кўлга киритиши. ИИВ Эксперт-криимиалистика бўлими қуий тизимларда хизматнинг барча йўналишларидаги фаолиятни такомиллаштириш, эксперталар тайёрлаш ва улар мустақил иш юритиши учун рухсатнома олиш, бўлинма-

ларни керакли жихозлар билан таъминлаш, жойларда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, ўта оғир жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда яқиндан кўмаклашмоқда.

Йигилишда ИИВ Эксперт-криимиалистика бўлими бошлигининг мувонини, милиция подполковники Х. Файзиев сўз олиб, хизмат интизоми ва жойларда йўл қўйиладиган камчилликлар ҳақида тўхталиб, уларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Шундан сўнг раҳбарият ва иштирокчилар ўртасидан қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ўз мухбири.

Спорт

ХОТИРА ТУРНИРИ

Тошкент шаҳар ИИБ жанговар ва жисмоний тайёргарлик марказида милиция генерал-майори И. Сатторов хотирасига багишилаб ўтказиладиган анъанавий футбол турнирининг финал баҳслари бўлиб ўтди.

Учинчи ва тўртинчи ўринлар учун Чилонзор тумани ИИБ ва ИИБ ҳузуриданда кўриқлаш бошқармаси вакиллари беллашиди. Кўриқлаш ходимлари 1:0 ҳисобида галаба қозониб, учинчи ўринни эгаллашди.

Биринчи ўрин учун эса Тошкент метрополитенинни кўриқлаш бўйича ИИБ ва ИИБ йўл-патруль хизмати бўлинмаси вакиллари ўтка-

сида қизғин баҳс борди. Метрополитенчилар 3:2 ҳисобида галаба нашидасини сурдилар.

Тошкент шаҳар ИИБ бошлиги, милиция полковники А. Азизов тантанали вазиятда голибларни эълон қилди. Марҳум милиция генерал-майори И. Сатторовнинг рафиқаси Зоя Баҳромовна турнир ташкилотчилиги миннатдорчилик бил-

дирди. Маросимда таникли футболчилар М. Кабаев, Г. Денисов ва Н. Амриевлар иштирок этилар.

Турнирда дарвазабон У. Эргашев (ИПХ бўлинмаси), химоячи Р. Абдулин (Чилонзор тумани ИИБ), ярим химоячи Б. Эргашев (Тошкент метрополитенинни кўриқлаш бўйича ИИБ), ҳуҳумчи У. Муқимов (Сирғали тумани ИИБ)лар энг маҳоратли ўйинчилар деб тоғилди. Тўпуарлар баҳсида М. Кенжабоев (Кўриқлаш бошқармаси) голиб чиқди. Шунингдек, футбол техникаси сирларини пухта эгаллаган, юқори ёшдалиги ва энг ёш футbolчилар хам аниқланди.

Ўз мухбири.

Репортаж

МУНОСИБ МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

Истиклол шарофати ила мамлакатимизда асрларга татигулик ишлар қилингани. Жумладан, республикамиз суверенитети ва мустақиллигини ҳимоя қилиш, ҳалқимиз осойишталигини саклаш йўлида ҳам қатор ислоҳотлар амалга ошириялти. Бу бежиз эмас, албатта. Зоро, юрт тинчлиги эл фаровонлиги монбайдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички ва Қоровул қўшинлари Бош бошқармалари ўкув маркази соҳа учун малакали кичик мутахассислар тайёрланадиган етакчи билим дар-

маржондек тизилиб турган транспорт воситалари қандай мақсадларда фойдаланилишини тушириди. Улар техникатактик тавсифномасига кўра ранг-баранг. Айниқса, мамлакатимизда иш-

ҳимояланиш воситалари, муҳандислик хизмати жиҳозлари билан таништирдилар. Уларнинг ҳикояларидан ҳукуматимиз томонидан бу муҳим ишларга ҳар томонлама катта эътибор бериб ке-

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимида амалга оширилётган ислоҳотлар ва ўзгаришлар муносабати билан қайта ташкил этилган ўкув марказида ўн йил мобайнида Ички ва Қоровул қўшинлари учун минглаб кичик сардорлар ва алоқа, соқчилик, муҳандислик-техника воситалари, хизмат итлари мутахассислари, зирхли машиналар ҳайдовчилари ва бошқа кўплаб кадрлар тайёрланди.

Ўтган ўн йил давомида ҳарбий шаҳарчани қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилди Албатта, бу ишлар жанговар хизмат вазифалари, ўкув жараёни билан биргаликда олиб борилди.

Марказнинг шаклланиши ва оёқча туришида унинг дастлабки сардорлари – Владимир Чувилкин, Анатолий Терноларнинг ҳиссаси катадир. Жанговар хизмат вазифаларини бажариш, ўкув жараёнини таъминлаш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шахсий таркиби тарбиялаш соҳасида жамоанинг собиқ сардори, ҳозирда Қоровул қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари, генерал-майор В. Бухтеев, жамоанинг собиқ штаб бошлиғи, ҳозирда генерал-майор К. Алиев, ўкув бўлинмасининг сардори, ҳозирда республика ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондони Н. Сулейманов каби яна кўплаб ҳарбийларнинг салмоқли улушлари бор. Бутун республикамиз бўйича Қоровул ва Ички қўшинларнинг кўплаб ҳарбий жамоа сардорлари, уларнинг ўринбосар-

лари ва етакчи офицерлари мазкур ўкув марказида хизмат қилишган. Ҳарбий жамоанинг шаклланиши ва оёқча туриши, моддий-техника базасининг ташкил этилиши, шахсий таркибининг тарбияси ва ўкуви, жанговар тайёргарликни ошириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда ана шуларнинг ҳам меҳнати сингтан.

Бугунги кунда ўкув маркази сардорининг ўринбосари X. Меджидов, бўлинма сардори М. Малишов, штаб бошлиғи ўринбосари Р. Хисамутдинов, бўлинма сардорлари X. Эрматов, X. Мухторов, оддий аскар М. Абдуллаева кабилар ана шундай фидойи инсонлар ишларини шараф билан давом эттиришмоқда.

Халқ ҳўжалиги иншотларини қўриқлаш ва мудофаа қилиш, 2000 йилда Сурхондарё вилоятининг Узун, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманларида босқинчи тўдаларни яксон этишда жамоа шахсий таркиби ҳам фаол қатнашди...

Йиғилиш аҳли 1999–2000 йилларда Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва мустақиллигини босқинчи тўдалардан ҳимоя қилинди Ички қўшинларнинг шаҳид бўлган қатор жасур ҳарбий хизматчилари хотириларини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар қўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов ва Қоровул қўшинлари қўмондони Н. Сулеймановнинг ўкув маркази ташкил топғанинг 10 йиллиги муносабати билан йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички ва Қоровул қўшинлари қўмондонлари, шунингдек, ҳарбий жамоа сардорининг буйруқларига кўра фаол ҳарбий хизматчилар, офицерлар, сержантлар, аскарлар ва курсантларнинг бир гурӯҳи, ҳарбий бўлинма фахрийлари Фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари билан тақдирландилар. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг бир гурӯҳига навбатдан ташқари таътил берилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлар қўмондонининг ўринбосари А. Пачес, Ички қўшинлар штаби бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Терно, Қоровул қўшинлари шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи М. Фозилов, Ички қўшинлар фахрийлар кенгаши раиси Е. Жуковский, Тошкент шаҳар М. Улуғбек тумани М. Улуғбек кўргони фуқаролар йигини раиси У. Мирзалиев, кўргон хотин-қизлар кенгаши раиси М. Ишмуродова ва бошқалар сўзга чиқиб, самимий дил сўзларини изҳор этдилар...

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички ва Қоровул қўшинлари Бош бошқармалари ўкув марказининг шонли 10 йиллик юбилейи тантаналари мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллиги, юртимиз тинчлиги, осойишталиги ишончли кўлларда эканлигининг яна бир бор намойиши бўлди...

Мурод ТИЛЛАЕВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Б. ОСТРОВЕРХОВ
олган суратлар.



гоҳларидандир. Ўтган шонба куни мазкур ўкув маркази ташкил этилганлигининг 10 йиллиги тантанали тарзда нишонланди.

Шу куни ўкув маркази ҳовлиси ҳар қачонгидан ҳам байрамона тус олди. Кўркам саф майдони ва унга туташ бинолар Президентимиз иборалари, ватанпарварлик ва она-юрт тўйгусини ифодаловчи ҳикматли шиорлар, кўргазмали ахборот воситалари билан безатилган. Ҳамманинг юз-қўзида табасум, кўтаринкилик ҳукмрон. Қувонмай бўладими, ахир. Шу муносабат билан ўтказиладиган тантанага республикамиз Ички ва Қоровул қўшинлари тизимида узоқ йиллар хизмат қилиб, ҳозир кексалик гаштини суроётган фахрийлар, узоқ-яқиндан кўпсонли меҳмонлар, ўкув марказида хизмат қилаётган аскарларнинг ота-оналари ташриф бўюрдилар.

Тантанали маросим меҳмонлар ва фахрийларнинг ўкув маркази ҳаёти, шароити, моддий-техника базаси билан танишувдан бошланди.


Ўкув маркази бошлиғининг ўкув ишлари бўйича ўринбосари X. Меджидов дастлаб саф майдонида ипга терилиган



ҳам бугунги кун талабларига ҳар жиҳатдан жавоб беради...

Филғанларда катта таассусот қолдириди.

Ҳарбий жамоанинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ўкув маркази бошлиғи Ш. Чиналиев маъруза қилди. Бундан 10 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва мамлакат Ички ишлар вазирининг буйруғига кўра бу ўкув марказига асос солинган эди.



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ОЛИНАДИГАН ЖАРИМАЛАР МИҦДОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги "2002 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафакалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ энг кам иш ҳақи 4535 сўм қилиб белгиланганлиги муносабати билан 2002 йилнинг 1 августдан бошлаб аниқланган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун олинадиган жарималар миқдори

Диспозицияси	Санкцияси	Диспозицияси	Санкцияси
125-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш		128-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 4535 сўмдан 9070 сўмгача
125-модда 1-кисм. Ҳайдовчилар ва йўловчиликнинг мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслиги	Энг кам иш ҳақининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 226 сўм 75 тийин	128-модда 3-кисм. Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмидан назарда тутилган хукуқбизарликлардан учтасини содир этиш, худди шунингдек тўсқинликсиз ҳаракат қилиш хукуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақиёт бериш ёхуд авария ҳолати юзага келишига олиб борган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизликлари ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўзга чораларни кўришга мажбур куловчи хукуқбизарликларни содир этиш	Энг кам иш ҳақининг икки бараваридан учбараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 9070 сўмдан 13605 сўмгача
125-модда 2-кисм. Ҳайдовчиларнинг фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги ёхуд транспорт воситаларини бошқариши	Энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 90 сўм 70 тийиндан 1511 сўм 67 тийингача	128-модда 4-кисм. Бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмидан назарда тутилган хукуқбизарликлардан тўртасини ва ундан кўпроғини содир этиш	Энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. 13605 сўм ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этилади.
125-модда 3-кисм. Ҳайдовчиларнинг давлат техника кўргибдан ўтмаган ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд тормоз тизимида ёки руль бошқарувида ёхуд уловчи қурилмада носозлиги бўлган, худди шунингдек ишлаб ўтказилмаган ташқарига чиқараётган ифлослантирувчи маддаларнинг миқдори, шунингдек шовқин даражаси белгиланган нормадан ортиқ ёхуд тегишли рухсати бўлмай туриб қайта жиҳозланган транспорт воситаларини бошқариши	Энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 90 сўм 70 тийиндан 2267 сўм 50 тийингача	129-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гурух бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши	
125-модда 4-кисм. Фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси ўзбошимчалик билан ечиб олинган ёхуд давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усусларда ўзгартирилган транспорт воситаларини бошқариши	Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 13605 сўмдан 22675 сўмгача	129-модда 1-кисм. Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гурух бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан учбараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 4535 сўмдан 13605 сўмгача
125-модда 5-кисм. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларини ишдан ташқари вактда улардан фойдаланиш шартларига мувофиқ келадиган тарзда маҳсус жиҳозланмаган жойда сақлаш	Фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан икки бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Фуқароларга: 2267 сўм 50 тийиндан 4535 сўмдан 9070 сўмгача	129-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан учбараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 13605 сўмдан 22675 сўмгача ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этилади.
126-модда. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (корайтирилган) ностандарт ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш		130-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши	
126-модда 1-кисм. Кўзгусимон, шунингдек тегишли давлат стандартларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда тайёрланган туси ўзгартирилган (корайтирилган) ойналар ўрнатилган транспорт воситаларидан фойдаланиш	Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 4535 сўм	130-модда 1-кисм. Транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 4535 сўмдан 9070 сўмгача
126-модда 2-кисм. Ҳудди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 9070 сўм	130-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.
127-модда. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи курилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш		131-модда. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш	
127-модда 1-кисм. Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи курилмаларни ўрнатиш	Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 4535 сўм	131-модда 1-кисм. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
127-модда 2-кисм. Тегишли рухсат олмай туриб транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи маҳсус курилмаларни ўрнатиш	Ана шу курилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса - уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Фуқароларга: 4535 сўмдан 13605 сўмгача Мансабдор шахсларга: 13605 сўмдан 22675 сўмгача	131-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади. 22675 сўмдан 31745 сўмгача ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этилади.
128-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя қилмаслиги	Энг кам иш ҳақининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 2267 сўм 50 тийиндан 4535 сўмгача	131-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбизарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса	Транспорт воситасини бошқариш хукуқидан уч йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.
128-модда 1-кисм. Транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши, светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибида солувчининг тақиқловчи ишораларига бўйсунмаслиги, пиёдалар йўлкасидан юргизиши, устунлик берувчи, тақиқловчи ва кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига, йўлнинг ҳаракат кисмидаги ҳаракатда ўтказиб юборишни кўрсатувчи чизикларига риоя этмаслиги, одам ташиш, транспорт воситаларини кувиб ўтиш, жамоат транспорти тўхтайдиган бекатлар ёки пиёдалар ўтиш жойларидан юриш қоидаларини, сутканинг коронгу даврида ёки кўриш чекланган шароитларда ёритиши асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, шунингдек йўловчиларга лой сачратиш		131-модда 3-кисм. Транспорт воситаларини бошқариш хукуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини алкоголли ичимликдан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши	Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 31745 сўм
131-модда 4-кисм. Алкоголли ичимликдан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши		131-модда 4-кисм. Алкоголли ичимликдан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши топшириш	Энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. 22675 сўм ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан икки йилдан уч йилгача муддатга маҳрум этилади.

UCHINCHI

«Nocinga» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI



LAM

**TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI**

Пейслар оиласининг барча аъзолари – 82 ёшли мўйсафид
Халтон ҳам, хотини Жинива ҳам, уларнинг ўғли Гленн (у
хозир 62 ёнда) ҳам бу воқеа айнан Авлиё Патрик кунида
1949 йилнинг 17 марта содир бўлганини яхши эслашади.
Улар “Фармингтон Хастлер” газетасида чоп этилган, шов-
шувга сабаб бўлган мақолани ҳам аниқ хотирлашади, уни
кечкурун Жинива овоз чиқариб ўқиб берганди. Макола сар-
лавҳасининг шакл-шамойили эса Гленнинг эсида яхши қол-
ган. Чунки у эрталаблари чойчақа ишлаб олиш учун макта-
бига дарслари бошлангунича газета тарқатарди.



НУЖНИЙ ХАРТКАНДОНДАГЫ ЖАЛОҚАТЫ

Бу ҳодисани тадқиқ қилиш билан журналист, магистр, файритабиий ҳодисалар тадқиқотчиси Линда Хау шуғулланыпти. У Халтон ва Гленн билан 2002 йил 23 март куни Фармингтон шаҳарасидаги Ацтек күтубхонасига НУЖ масаласига, жумладан Харт-Каньон (бу жой Ацтекдан бор-йүгі 11 миль шимолишарқда) фожиаси билан боғлиқ воқеаларга бағишилган анжуманды үзүрләб көлді.

НУЖларнинг сафланиб сўнгги қилиган ҳаракатлари майда баликлар тұдасининг гүёки эшитилмас команда (буйрук) бўйича бир томонга сузишларига ўхшарди.

Эртаси куни маҳаллий газета-мизда НУЖнинг ҳалокатта учрагани ҳақида мақола чоп этилди. Сарлавҳа сахифанинг бутун зни бўйлаб йирик ҳарфларда терилган эди. Эрталаб газетан муштариликдага тарқатдым. Кечикүнун овқатда-

да учрашио қолди.

Халтон газетада НУЖ ҳалокати түгрисидаги мақола пайдо бўлишидан олдин шаҳар осмонида бир неча гардишсимон, кумушранг жисмлар учеб юрганини кўрганини айттиб берди.

Ларга тарқатдим. Кечқурун овқатла-наётганимизда онам бизга бу ма-қолани ўқиб бердилар. Унда “КечАцтек яқинидаги Харт-Канъонда гардишсимон НУЖ қулаб тушид. Унинг ичидан экипаж аъзоларининг кўйган жасадлари топилди. Улар-

ни аттио берди.

— Улар гүё ҳаво жанги ўйини ўйнашарди ёки акробатик усулларни машқ қилишарди, — деде хотиралайди Халтон. — Адашмасам НУЖлар бешта ё олтита эди. Ҳавода ўн дақиқалар айланишга, шимолишарққа қараб шитоб билан учиб кетишиди. Улар идишга, аникроғи, ликобчага ўхшаб кетарди. Буни ишонч билан гапираётганимнинг сабаби, уларни яхшилаб томоша қилишим учун вақтим етарли эди. Бунинг устига гүёеки атайлаб ўзларининг шаклу шамойиллари ни намойиш этиш учун самода гоҳ унақасига, гоҳ бунақасига "ўмбалок ошишарди". Мени бундан ҳам кўра бошқа нарса ҳайратга солганди. Улар бир-бирларига тўғрима-тўғри жуда катта тезликда учишар, тўқнашишларига бир баҳя қолганда тезликни заррача пасайтирмасдан йўналишларини қарийб тўғри бурчак остида ўзгартиришарди.

куйган жасадлари топилди. Уларнинг бўйи бор-йўғи 120 см келади" деб ёзилган эди. Яна мақолада сирил учар аппарат қулаган жойга ҳарбийлар ва одатдаги кийим кийган кишилар келгани, НУЖни улкан



Халтоннинг ўғли Гленн (хозир Теннеси штатидаги Нашвилла шахри яқинидаги мусиқа ёзиш фирмасида ишлайди) кўрганларини шундай хикоя киласди:

ди, газета эртасига чиқди. Шанба куни, яни 1949 йил 19 марта Гленн ўртоғи Тедди Брок билан отта миниб ҳалокат юз берган жойга боришиди. У ерда болалар кўплаб

- Уша куни мен мактабда эдим. Биз танаффусда ҳовлига югуриб чиққанимизда отам айтган "осмон томошаси" тугаётган эди. Томошани бор-йүғи 30–40 сония кузатдик, холос. Эсимда, кумушсимон ялтирок гардишлар осмонда бетартиб кезиб юришарди. Ана ҳозир ўзаро тўқнашиб кетади, деб турганингизда бирори йўналишини ақл бовар килмас даражада тез ва кескин ўзгартириарди. Қайсидир лаҳзада улар яхлит гурух бўлишиб, "гала"-ни бузмай тепамизда бир неча марта чаҳр уришиб, кейин жуда катта тезликда шимоли-шарққа – Блумфилд томонга учуб кетишиди.

ҳам ўз кўзларига ишонишмасди.
Уларнинг саволларига кутубхона
ходимлари тайинли бир жавоб бе-
ришолмади.

Гувохларнинг хотираларидан ташқари, Линда Хау 1949 йил марта тида Харт-Канъонда НУЖ ҳақиқатан ҳалокатга учраганини тасдиқловчи бошқа далиллар ҳам топишга муваффақ бўлди. АҚШ Ҳарбий Ҳаво Кучлари ва маҳсус хизматлари доираларидан 1949 йил марта тида Ацтек яқинида галати учар аппарат қўнишга мажбур бўлганлиги ҳақида хабар бехосдан тарқалди. Аппарат тасвири Гленн Пейс ва унинг отонаси бундан 52 йил бурун "Фармингтон Хастлер" газетасидаги НУЖ ҳақида мақолада ўқиган тасвирга мос тушарди. Бу ҳақда дастлабки ёзма маълумотга Линда Хау 1983 йил 9 апрелида AFOS (АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари маҳсус текширишлар бошқармаси) томонидан тузилган НУЖ ҳалокатлари жойлари рўйхатида дуч келди. Унга шунингдек АҚШ Президентига тайёрланган ҳисобот тезислари қораламасидан ҳам фақат нусха кўчирмаслик шарти билан фойдаланишга рухсат беришиди. Уларда "Ерга алоқадор бўлмаган номаълум учар аппаратларни" топиш ва куткариш бўйича федерал хукумат ташкил этган операциялар рўйхати берилган эди. Ҳар иккала хужжатда ҳам Нью-Мексико штатидаги Ацтек, Роэзулла ва

Магдалена, Аризона штатидаги Кингмен, шунингдек шимолий Мексиканинг Ларедодан жанубдаги жойларда юз берган НУЖ ҳалокатлари қайд этилган эди.

Аммо Линда Хаунинг күлигэ тушган энг батафсил ва ахборотга бой хүжжат бу "Фармингтондаги ҳалокат ҳақидаги ҳисобот" эди. Ушбу хүжжатга воңеа жоида олинган оқкора суратлар ҳам илова қылинганди. Линдага ҳисоботни ҳарбий ҳаво күчлари офицieri берди. Унинг ўзи фотосуратларни компьюттерда ишлашга ҳам күмаклашди. Тасвиринг компьюттердаги версиясида гардишсимон кумушранг аппарат шаклан иккита улкан ликопчанинг бирбирига қоллаб күйганига ўхшади. Тепа қисмида эса унча катта бўлмаган гумбаз бор. Ҳисоботда аппарат

диаметри 30 м деб күрсатилган.
Хисобот икки нафар ҳарбий уфолог томонидан түзилган. Маълумотлар эса НУЖни ҳалолат пайтида воқеа жойида ўз кўзи билан кўрган сабиқ

армия офицеридан олинган. У то 1970 йилгача НУЖлар ҳалокатларини текшириш билан боғлиқ маҳфий ҳужжатлар архивидан фойдаланиш учун рухсатномага эга бўлган. Истеводаги офицер ўзи ва хизмат жойи ҳақида ги маълумотлар сир тутилиши шартни билан ундан олинган ахборотлар чоп этилишига розилик берди. Хисобот ана шу офицер номидан тузилган. Кўйида унинг матни кисқартирилган холда көлтирилди:

“Суратдан гардишсімөн учар аппаратта хөч қандай шикаст етмаған күрініб турады. У чүлда, күм-ли ер устида бір ёнбошга хиёл оғанча турибди. Ерда ҳам хөч қандай ўзгариш: ўприлиш, емрилиш содир бўлмаган. Суратда акс этишича, аппарат сирти ялтироқ алюминийга ўхшаган металлдан ясалган. Тасвирий матнда ҳам бу ҳақда ёзилган. Тепа қысмдаги гумбаз иллюминаторли кабина вазифасини бажарган. Аммо иллюминаторнинг шаффофф қопламалари ойна эмас, ерликлар учун номаълум материалдан ясалган. Иллюминаторлардан бирида тахминан қалам йўғонлигидә тешик ҳосил бўлган эди. Аппаратни ташки томондан кўздан кечирганда бошқа носозлик аниқланмади. Иллюминаторни очиш, хөч бўлмаганда тешикни кенгайтириш йўлидаги барча уринишлар беҳуда кетди. Олмос пармадан тортиб болға ломгача ишлатиб кўрилса ҳам фойдаси бўлмади”.

Аппарат корпуси яхлит конструкцияга ўхшайди. Унинг юзасида уланган, кўшилган, пайвандланган жойи йўқ. Эшик ёки кириш туйнуклари ҳам топилмади. Шундан сўнг таддиқотнолар бутун дикъатларини иллюминатордаги тешикка қартишиди. Ҳақиқатан турлича уринишларнинг биррида тўсатдан корпус юзасида эшик шаклида бўшлиқ пайдо бўлди. Хеч қандай шовқиниз, сурилишсиз деворнинг шу кисми ўз-ўзидан фойиб бўлди-қолди. "Эшик"нинг ёпилиши ҳам ана шундай файритабий тарзда юз берди.

Кабинада икки нафар одамсимон мавжудотнинг кўйган жасади ёттарди. Уларнинг бўйи 120 см кепалди, хонада кучли ёнгин бўлгани кўриниб турарди. Қизиги шундаки, ўзга сайёралик фазогирларнинг комбинезонларига ҳеч бир эйён етмаганди.

Двигателнинг тузилиши ва ишлаш принципи (тамойили) ҳисобот тузилган пайтгача ҳам сирлигича ўлди. Экспертларнинг тахминлари

рича, ҳалок бүлгән экипаж айзола-
ри мансуб цивилизация техник та-
рақкыети даражаси уларга сайёра-
ларнинг магнит ва гравитация майд-
онлари күвватларидан парвоз
пайтида фойдаланиш имконини
берган. Ҳар ҳолда бизга маълум
бүлгән ҳеч бир күвватни ҳаракатта
айлантириш усули НУЖ парвоз
пайти бажарган ҳаракатларни
килиш имконини бермайди.

Хилиш имконини бермайди.
Учар аппаратнинг ҳалокати сабаблари ҳам сирлигича қоляпти.
Уни қиравчи самолётлар уриб туширгани ҳақидаги тахмин истисно этилади. Фалокат юз берган куни ҳаво ҳужумидан ҳимояланиш кучларининг бирорта ҳам қиравчиси Нью-Мексико штатида осмонга кўтарилимаган. Аммо мавжуд мъульмотларга қараганда, ҳалокат юз берган жойда Ернинг магнит майдонида "газабланиш" ёки "носозлик" бор деб ҳисобланади. Демак, бундай жойлар айнан ҳалокат юз берган учар ликонча сирасидаги аппаратлар учун бехосият, нокурай бўлса керак.

Аммо уфологлар ва ҳарбий мутахассислар диққатини яна бир нарса тортди. Фокиа содир бўлганидан сўнг, орадан роппа-роса бир йил ўтгач Фармингтон, Ацтек ва Харт-Канъон устидан бир неча юз НУЖдан иборат бутун бошли армада учib ўтди. Балки, ўзга сайёраликлар ўз қариндошларини хотирлашгандир. Эҳтимол, бизга бундан буён Ернинг магнит ва гравитация майдонларининг "фазаблениши" ўзларининг учар аппаратлари учун чўт эмаслигини намойиш этишгандир.

Энди хокимият вакиллари НУЖлар ҳақидаги маълумотларни сир саклашга уринишлари сабабига келсак. Балки үлар ахолининг ваҳимага тушишидан чўчишар. Чунки Герберт Уэллснинг "Дунёлар уруши" романи бўйича радиопостановка кўйилганида ана шундай холат кузатилган эди.

Харт-Каньонда учар аппаратни тексириш, олиб кетиш жараёни давом этайтганда ана шу жой тегасида бир неча марта НУЖлар пайдо бўлди. Балки, улар ердаги аппарат ичидагилардан бирортаси тирик қолганми деб умид қилиш гандир? Аммо ерликлар учун хавф тугдирувчи бирор-бир хатти-харатак килишмади. Эҳтимол, бу найрангдир? Уларнинг биз, ерликларга нисбатан асл нияти эман экан?

Хориж митебүгүи материаллары асосида тайёрланди.



МИТТИ ЮЛДУЗЛАРДА ХАЁТ БОРМИ?

Фазода миллиардлаб улкан ва митти галактикалар, уларнинг ҳар бирида миллиардлаб баҳайбат ва жажки юлдузлар жуфтликларини кўришимиз мумкин. Ўзимизнинг Она сайёрамиз ва Ой ҳам ана шу жуфтликлар сирасига киради.

Шу ўринда самодаги энг ёруғ юлдуз – Сириусни ҳам эсламасак бўлмас. Африкалик догонларнинг фикрича, самовий меҳмонлар ерга айнан шу сайёрадан ташриф буоришган, ўз билимларини ерликларга ўргатишган экан. Бу юлдуз ўзига хос. Бир қарашда оппоқ бўлиб кўринади. Биздан бир неча ёруғлик йили узокликда жойлашган. Унинг ўзидан анча хира йўлдоши Сириус атрофидан 51 йилда тўлиқ айланиб чиқади.

Сомон Йўлида Сириусга жуда ўхшаш яна миллионлаб юлдузлар бор. Балки, уларнинг ҳам йўлдошлари мавжуддир? Эҳтимол, уларнинг бизнинг Күёш сайдерлар тизимишга ўхшаган сайдерлар тизими бордир? Буни биз аниқ айти олмаймиз. Орамиздаги масофа ниҳоятда улкан. Бунинг устига ёруғ юлдузларнинг порлаши уларнинг хира йўлдошлири шуъласини пайкаш имконини бермайди. Аммо

догонларнинг бундай йўлдошлар мавжудлигига ишончлари комил.

Сириус нисбатан яқин жойлашгани учун уни бағаси проқ ўрганишимиз мумкин. Сириус А – бош юлдуз бизга кўринганидан кўра 10 минг баробар ёрқинроқ экан. Унинг йўлдоши – Сириус Б эса хира, митти юлдуз.

Сириус А одатдаги моддалар – атомлардан иборат. Ҳар иккала юлдузнинг ҳам юзаси ниҳоятда қизиб ётади – ҳарорати 5500 дараждадан ошади. Бу сатҳларнинг ҳеч бир нуқтасида протоплазмадан иборат ҳаёт мавжуд бўла олмайди. Оқсил молекулалари (тирик организмлар хужайларни ана шундай молекулалардан иборат бўлади), шунингдек ноорганик молекулалар (ҳаво, тошлар, уммонлар улардан ҳосил бўлади) бундай ҳароратли юзада атомлар, протонлар ва электронларга парчаланиб кетган бўларди.

Аммо ҳарорати уччалик юқори бўлмаган митти юлдузлар ҳам учрайди. Бундай қизгиш, нисбатан совук жисмларни американлик фалакшунос Харлоу Шепли ҳажмлари ихчамлигини назарда тутиб, паканалар (лилипутлар) деб атайди.

Демак, Борлиқдаги энг кўп сонли юлдузлар биз

оддий кўз билан кўрадиганларимиз эмас, балки хира милтилайдиган миттийлар ва паканалардир.

Теварак-атрофимиздаги коинотда қизил ва оқ рангдаги митти юлдузлар сероблиги бизга анчадан бўён маълум. Аммо бир мантиқий холосага негадир эътибор бермаган эканмиз. Яъни, келиб чиқишидан қатъи назар, осмоний жисмлар кичрайгани ва хиракашгани сайин уларнинг сони ортиб бораражади.

Бизга маълум, митти қизил юлдузларнинг баъзилари Күёшдан миллион марта хиракоқдир. Уларни фақат катта телескоплар ёрдамидагина суратга олиш ва тадқиқ қилиш мумкин. Бундай юлдузлар одатда юлдузлар каталогларида ҳам қайд этилмайди.

Гравитацион сиқилиш (торайиш) туфайли Юпитер, Сатурн ва Ернинг марказида ҳам ҳарорат юқори. Аммо уларнинг ҳеч бирида водороддан гелий

минг марта каттадир. Күёшнинг массаси ниҳоятда катта, унинг ичида ҳарорат 10 миллион градусдан ошади, туб-тубида водород ёниб, гелий “кул”и ҳосил бўлади.

Агар биз ўзимизни рисоладагидек тутсак, ҳайвонлар, ўсимликлар билан бирга яна миллиардлаб йиллар Ер бағрида ҳаёт кечиришимиз мумкин. Чунки Күёшда ниҳоятда кўп ёнилги заҳиралари бор, уларнинг сарфланиши “жонли” Борлиқ томонидан мувофиқлаштирилиб турилади. Бошқача қилиб

сий бўйича минус 100 дараждадан ҳам совуқроқдир.

Энди Юпитернинг ҳажми ҳозиргидан ўн баробар катта деб тасавур қилинг. Ўшандада унинг ичи ҳарорати ҳам анча юқори бўларди. Бордию ҳажми 50 баробар катталашса-чи? Унда сатҳини қоплаган музлар эриди, улкан молекулалар пайдо бўлиши учун шарт-шароит яраларди. Бу тирик организмлар пайдо бўлиши учун ҳам замин яраларди дегани...

Бундай катта, юпитерсимон ўзини ўзи қиздирув-

нурланиши электромагнит спектрининг асосан шу радио тўлқинлари оралиғида жойлашган бўлиши керак.

2. Ҳозир кўпчилик тан олган қарашларга кўра ҳаёт фавқулодда, гайритабии ҳодиса бўлмай, материянинг эволюция босқичларидан биридир.

3. Органик ҳаёт қўёш нури, намлиқ ва муайян кимёвий моддалар (улардан энг муҳимлари водород, углерод, азот ва кислород) ҳосиласи экан, унда ҳаёт нафақат сувда ва қуриклида, балки атмосферада ҳам пайдо бўлиши ва тараққий этиши мумкин, деб фарз қилсан бўлади. Сабаби, кўпгина паҳлавон (баҳайбат) сайдерлар асосан водороддан таркиб топган атмосфера қобиги билан ўралган бўлса керак.

Мулоҳазаларимизга якун ясадиган бўлсан, беҳисоб митти, ҳатто жимитдай (осмоний ўлчовларда, албатта) юлдузлар мавжуд деб тахмин қилишимиз мумкин. Улар дастлабки газ-чанг булатларининг сиқилиши, кучли тўқнашувлар қибатида ҳосил бўлган. Бу митти юлдузларнинг айримларидағи физиковий, кимёвий ва иқлимиш шарт-шароит ҳаёт пайдо бўлиши учун қуладир. Бундай ҳаёт ке-

Агар Сомон Йўли галактикасидан ўтадиган бўлсан, коинотда бошқа галактикаларга, улкан юлдузлар силсилалиги дуч келамиз. Уларнинг ичида иккиси-уч қаватларни бор. Масалан, Андромеда туманлигини олайлик. Аслини олганда бизнинг галактикамиз ҳам ана шу кўп қаватли силсила киради.

Цирк "бўйрути"	Цирк "бўйрути"	Тусик	Рим халоокори бўлган парранда	Негроид, европоид	Кимёвий модда	Кадам	Кўллак	Зо, хаёл	Биринчи курол	Касовнинг асорати	3
Айтганча	Айтганча	Торпи мусикий асабоб	Форвард, вакили	Бекорхе	Фикрлаш кобигияти	Шикаст	Сња циведа	Нота	Оғир замс	Театр, кино «ишчию»	13
Аллар «шими»	Каротиннинг минбайи	Партов сув	Кўйлами нинг паст киоми	Фикрлаш кобигияти	Хўрознинг рафикаси	Намат	Хаёли	Гард	Мон ояқати	Юк кўтарувчи механизм	14
Тоъбе	Тоъбе	Катор	Булок, улкан	Булон	Якумий босич	Нон зарраси	Шубжа, гумон	Илож	Лакза		1
Хурмат	Хурмат	Опа	Винни. Пухнинг дуоти	Пул	Дарё йўлидаги тусик	Саной босин	Катый чарор				
Молиявий муалласа	Туткин жепт	Дин арбоби									



ЙҮЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ОЛИНАДИГАН ЖАРИМАЛАР МИҚДОРИ

(Боши 4-бетда)

Диспозицияси	Санкцияси	Диспозицияси	Санкцияси
133-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши.	Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш хукуқидан бир йилдан уч йилгача муддатта маҳрум этишга сабаб бўлади.	138-модда 2-кисм. Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиш	Энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
133-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келса	13605 сўмдан 22675 сўмгача ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан бир йилдан уч йилгача муддатта маҳрум этилади.	138-модда 3-кисм. Ушбу мoddанинг биринчи ёки иккичи қисмida кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтиrsa	453 сўм 50 тийиндан 1511 сўм 67 тийингача
134-модда. Ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши.	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан иккичи бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатта маҳрум этишга сабаб бўлади.	139-модда. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш	Энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан иккичи бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
134-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларини, йўл ҳаракатини тартибига соловчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келса, лекин анча миқдорда моддий зарар етказмаса	4535 сўмдан 9070 сўмгача ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатта маҳрум этилади.	Носозлиги туфайли фойдаланиш тақиқланган ёки тегишли рухсат олмай туриб қайта жиҳозланган ёхуд кўзгусимон, шунингдек белгиланган нормаларни бузган ҳолда туси ўзгартирилган (корайтирилган) ойна ўрнатилган ёки белгиланган тартибида рўйхатдан ўтказилмаган ёхуд техника кўригидан ўтказилмаган транспорт воситаларини йўлга чиқариш	1511 сўм 67 тийиндан 2267 сўм 50 тийингача
135-модда. Бошқариш хукуқини берувчи хужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан иккичи бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	140-модда. Масти ҳолдаги ҳайдовчиларининг ёки транспорт воситаларини бошқача тартибида ҳукуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш	Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
135-модда 1-кисм. Ҳайдовчилар гувоҳномаси ёки унинг талони, ишончнома, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказгандик ҳақидаги ёки транспорт воситасига тааллуқли ўзга хужжатлар ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши	907 сўм	13605 сўмдан 22675 сўмгача ёки транспорт воситасини бошқариш хукуқидан олти ойдан бир йилгача муддатта маҳрум этилади.	9070 сўмдан 22675 сўмгача
135-модда 2-кисм. Транспорт воситаларини бошқариш хукуқи бўлмаган шахсларнинг бундай воситаларни, бошқариши	Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	141-модда. Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш	Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
135-модда 3-кисм. Транспорт воситаларини бошқариш хукуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни, бошқариши	4535 сўмдан 13605 сўмгача	141-модда. Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши	9070 сўмдан 22675 сўмгача
136-модда. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг мастилиги ёки масти эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши	Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	147-модда. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибида соловчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
136-модда 1-кисм. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг алкоголь ичимликтан, гиёхванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастилиги ёки масти эмаслигини белгиланган тартибида аниқлаш учун текшируvдан ўтишдан бўйин товлаши	Энг кам иш ҳақининг уч бараваридан иккичи бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	147-модда 1-кисм. Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибида соловчи техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасдан халал бериш, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш	9070 сўмдан 22675 сўмгача
136-модда 2-кисм. Худди шундай хукуқбузарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такород содир этилган бўлса	Транспорт воситасини бошқариш хукуқидан бир йилдан уч йилгача муддатта маҳрум этишга сабаб бўлади.	147-модда 2-кисм. Йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айрим қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки клаш чораларини кўрмаслик	Мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
136-модда 3-кисм. Ушбу мoddанинг биринчи қисмida назарда тутилган хукуқбузарлик транспорт воситасини бошқариш хукуқи бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса	13605 сўмдан 22675 сўмгача ёки 6 ойдан 1 йилгача транспорт воситасини бошқариш хукуқидан маҳрум этилади.	194-модда. Милиция ходимининг қонуний талабарини бажармаслик	9070 сўмдан 22675 сўмгача
137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиши	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	194-модда 1-кисм. Милиция ходимининг хукуқбузарликни тўхтатиш, хужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабарини узрли сабабларсиз бажармаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабарини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабарига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш хамда фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга оширайтган бошқа шахсларнинг қонуний талабарини бажармаслик	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
137-модда. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиши	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситаларини бошқариш хукуқидан бир йилдан уч йилгача муддатта маҳрум этилади.	194-модда 2-кисм. Ҳудди шундай хукуқбузарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такорod содир этилган бўлса	2267 сўм 50 тийиндан 9070 сўмгача
138-модда. Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳаракат қоидаларини бузиши	Энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисми миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурӣ қамоқка олиниди.	9070 сўмдан 13605 сўмгача ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурӣ қамоқка олиниди.
138-модда 1-кисм. Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибида соловчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат кисми белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларнинг, аравакашлар ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибида соловчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабарига риоя этаслиги	453 сўм 50 тийин	194-модда 2-кисм. Ҳудди шундай хукуқбузарлик маъмурӣ жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такорod содир этилган бўлса	Энг кам иш ҳақининг иккичи бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатта маъмурӣ қамоқка олиниди.



Ёрдамчи хизматлар

ТРАНСПОРТ ДОИМО ШАЙ

Хозирда ҳеч бир тармоқ йўқки, транспорт воситалари кенг қўлланилмасин. Жумладан, ички ишлар идораларида ҳам турли русумли автомобиллар милиция ходимларининг хизматида.

Жиноят содир этилганда тезда етиб бориш, айборларни қидириш, ушлаш ва шунга ўхшаш ишларда автомашинанинг ўрни алоҳида аҳамиятта эга. Шу боис ҳам пойтахт ви-

беряпти. Автохўжалиги миздаги мавжуд транспорт воситалари доимо хизматга шай туришига эришишга ҳаракат қилилмиз.

Автохўжалик устахонасида автомашиналарни



лоят ИИБ раҳбарияти бўлинмаларни замонавий автомашиналар билан таъминлашга катта эътибор тўлиқ ва жорий таъмирлаш учун барча шаробитлар яратилган. Шу йилнинг ўтган даври мобай-

ни таъминаларни совфа қилишяпти. Масалан, Куйичирчиқ туманинг "Улуғбек" ширкат хўжалиги туман ички ишлар бўлимнинг "Нексия" ва "Дамас" русумли автомашиналар, Бекободдаги металлургия комбинати вилоят ИИБ патруль пост хизмати ва жамоатартибини сақлаш бошқармасининг бўлинмасига "Нексия" автомашинаси беришди. Шунингдек, "Оҳангаронцемент", "Оққўрғон" акциядорлик жамиятлари, "Ўзбекинвест-На-

"Дикқат! Пиёда!"

ТАДБИР САМАРА БЕРДИ

"Дикқат! Пиёда!" тадбири давомида Навоий вилоятида асосий эътибор айнан пиёдалар содир эта-диган қоидабузарликларга қаратилди. Уларнинг белгиланган йўлкалардан юришлари, кўчани рух-сат этилган жойлардан кесиб ўтишлари, йўлчирок талабларига тўлиқ риоя қилишларини таъминлаш йўл-патруль хизмати ходимларининг муҳим вази-фалари сифатида белгиланди.

Айниқса, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Тадбир мобайнида 850 дан зиёд йўл ҳаракати хавфсизлигига доир эслатма ва мурожаатномалар чоп этилиб, автомашиналар, меҳнат жамоалари, болалар муассасалари, оромгоҳларга натарқатилди. Жамоат транспортлари, бозорлар, савдо расталари каби пиёдалар гавжум бўлади-

ган жойларга ҳам бундай кўргазмали воситалар осиб қўйилди. Тушунтириш ишларида вилоят телевидениеси, маҳаллий радио ва матбуотдан смарали фойдаланилди. Биргина вилоят телевидениеси орқали шу мавзуда 19 маротаба кўрсатув на мойиш этилди.

Маълумки, йилдан йилга юртимида машиналар сони ортаётган

и

таъсир чоралари воқеа жойида кўрилди, одамлар ортиқча овора қилинмади. Муҳими, уларга қилмишлари сабабли юз бериши мумкин бўлган кўнгилсиз оқибатлар тушунтирилди.

Тадбир давомида серқатнов чорраҳаларда, йирик корхоналар, болалар миассасалари олдида тегишли йўл белгилари ўрнатилганлиги, йўлчироқларнинг техник ҳолати, йўл чизиқлари текшириб чиқилди. Аниқланган камчиликлар тезда бартараф қилинди. Ана шундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб борилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг билим даражаси ошишига, йўлларнинг техник ҳолати яхшиланишига ёрдам бериши шубҳасиз.

В. АШУРОВ,
милиция катта лейтенанти.

Астағифуруллоҳ...

Амалдаги "Йўлларда ҳаракатланиш қондала-ри"нинг 12, 1-моддаси 3-бандида "Ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсик пайдо бўлса, у транспорт восита-сининг тезлигини тўла тўхтатишини таъминлайди-ган даражада камайтириш ёки тўсикни бошка ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак", деган талаб мақжуд. Афсуски, аксорният ҳайдовчилар бу талабга амал қилмай, жиноят содир этишмокда.

...Акбар ижарага "Дамас" русумли автомашина олди-ю, тиним билмай қолди. Бир ёқда ижара ҳақи, бир ёқда тирикчилик. Шу боис тонг отмай йўлга чиқиб, тунда уйга қайтади. Кирақашлик қилади. Ўша куни ҳам тонг энди ёриша-

ётганди. Бироқ, "Андижон-Маданият" қатнов йўли кундузгидек чарогон. Кўча бўм-бўш. Акбар автомашинани елдек учирив бораради. Кутимаганда йўлнинг ўргасида ётган одамни кўрди-ю, машинани тўхтатишига ултуролмай

қолди. Акбар шошганча, пастга тушди. Не кўз билан кўрсинки, сал нарида қонга белантганча бир одам ётарди. Ундан анқиётган ароқ ҳидидан маст ҳолда йўлнинг ўргасида йиқилиб тушгану, тура олмаганинги англиша мумкин эди. Акбар нима қилишини билмай қолди. Атрофга алантглади. Йўлнинг нариги четида кетаётган оқсоқолни кўриб, уни ёрдамга чақириди:

— Отахон, ёрдамлашиб юборинг. Мана бу киши-

манган" шўъба корхонаси ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомашина ва микроавтобуслар топширишиди.

Таъмирлаш жараёнида зарур бўлган эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш белгиланган режа асосида олиб бориляпти. Йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ва бошқа тадбирларда ходимларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Баҳорда ўтказилган ҳаракат хавфсизлиги ойлигига автохўжалик ходимлари ва ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати қоидалари бўйича кўшимча машғулотлар ташкил этилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларидаги транспорт воситалари белгиланган режа асосида техник кўрикдан ўтказилмоқда. Камчилиги топилган, таъмирталаб автомашиналарни созлаш учун амалий ёрдам кўрсатиляпти.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳам юртимида тинчлик, осойишталикни сақлаш ишига муносиб хисса қўяпмиз.

Х. ОДИЛОВ,
милиция катта лейтенанти.

Қашқадарё вилояти

ИИБ хабарлари

КОСА ТАГИДА НИМ КОСА

Чироқчи туманинг "Чиял" жамоа ширкат хўжалигидаги яшовчи Б. "Фузор — Тошкент" йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган "Мерседес" русумли автобус юхонасида ранги металл парчаларини олиб, йўлга тушди. Автобус ҳайдовчиси ўзига тўхташ ишрасини қўлган йўл-патруль хизмати ходимларининг қонуний талабига бўйсунмади. Тезкор гуруҳ томонидан тўхтатилганда ҳайдовчи ва мижоз назоратчиларга "чорва моллари териларини олиб кетаяпмиз" деган баҳонани рўкач қилишди. Аммо милиция ходимлари машина юхонасини кўздан кечиринганда қатор терилган чорва моллари терилари остида 320 килограмм ранги металл чиқиндилири борлиги аниқланди. Ҳайдовчилардан бу ранги металл парчалари юзасидан хужжат талаб қилинганда, улар сўз тополмай қолдилар.

Самарқандлик Т. Пўлат йўловчи юк машинасида хужжатсиз 25 минг кути "Пайни" русумли чет эл сигаретларини Сурхондарё вилотига олиб кетаётганда вилоят ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди. Т. Пўлат сигарет қутиларини машина юхонасидаги озиқ-овқат маҳсулотлари орасига яширган экан. У айни пайтда ўз қўлмишидан пушаймон, лекин энди кеч...

ХАТАРЛИ ХИЛВАТГОХ

Деҳқонобод туманида яшовчи О. Фахридин ўз уйида мижозига 24 дона гугурт кутисининг ҳар бирiga 5 граммдан жойланган марихуанани 96 минг сўмга пуллаётганда милиция ходимлари томонидан қўлга олинди. Унинг уйи тинчув қилинганда 30 грамм марихуана ўсимлиги уруғи, 28 дона турли жанговар ўқлар олинди. О. Фахридин қўлмишига яраша қонуний жазога тортилди.

Вилоят ИИБ ходимлари шу йил 3 июл куни Косатарош сойи яқинидаги хилват майдондаги кўкнорзорни аниқлашиди. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи У. Маҳмуд қўйғос гуллаган кўкнорларга ишлов бериб юрганида қўлга тушди. Маҳмуд етиштираётган 4065 туп кўкнор, 15 туп наша ўсимлигини милиция ходимлари йўқ қилишди.

СУТ ТИШИ ТУШМАЙ...

Карши шаҳрида яшовчи А.Р. ва А.Ш. қўшинилари Б. Бердиевнинг уйи балконидан ошиб, хона-донга ўғирликка тушиди. У ердан "Рекорд" русумли телевизор, "Айва" видеомагнитофони, "Комета" ва "Родстар" аудиомагнитофонларини олиб кетишиди. Аммо қисқа муддатда милиция ходимларининг саъӣ-ҳаракати билан иккى ҳамтобоқнинг қингирликлари фош этилди. Ачинарлиси, А.Ш. шаҳардаги 23-мактаб ўқувчиси экан. Ҳали суттиши тўкилмасдан қингир ишга қўл урган ўқувчининг боши эгилиб қолди.

Ў. ҲАЙДАРОВ.

Масжиддан қайтаётган бояги оқсоқолнинг қаршиисига кўшни ўсмир юргириб келди:

- Бобо, ўғлингизни машина олиб юрибди.
- Мўйсафиднинг кўз олди қоронғилашиб, оёқларидан мадори кетди. У машина остида қолган пияниста ўзининг ўғли эканлигини англаб етганди.
- Андижон шаҳар ичишлар бўлимни ходимларининг фаол ҳаракатлари туфайли Акбар Саидов шу куни қўлга олинди.

С. ҲУСАНЗОДА.

ЖАБРЛАНУВЧИ ЎГЛИ ЭКАН...

Акбар шошганча, пастга тушди. Не кўз билан кўрсинки, сал нарида қонга белантганча бир одам ётарди. Ундан анқиётган ароқ ҳидидан маст ҳолда йўлнинг ўргасида йиқилиб тушгану, тура олмаганинги англиша мумкин эди. Акбар нима қилишини билмай қолди. Атрофга алантглади. Йўлнинг нариги четида кетаётган оқсоқолни кўриб, уни ёрдамга чақириди:

— Нима бало, маст эканми? — сўради мўйсафид.

— Шунақага ўхшайди. Билмай уриб юбордим. Ердам беринг.

— Э, қўяверинг, — қўл силтади чол. — Пияниста ҳоли шу. Баттар бўлмайдими. Йўл четига ташлаб кетаверинг.

— Нималар деяпсиз, ўлиб қолади, ахир. Ундан кўра ёрдам беринг.

— Иложим йўқ, намоздан кеч қолаяпман.

Ватанни севмоқ иймандандур

УЛУФ МАҚСАД ЙҮЛИДА

Республика Ички ишлар вазирлиги Қоровул күшинларига қарашили офицер Р. Алимов сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада шу кунларда амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

— Бўлинмамида оддий аскарлар ва офицерлар ўзаро ишонч асосида дўстона муносабатдалар, — деди сардор. — Сабаби оддий. Ўн саккиз, ўн тўққиз ёшгача ота-она бағрида бўлган аскарларимиз хизматга келиб ҳам ўzlарини худди оила даврасида юргандек ҳис қилиши, тенгдошлига мөхр-оқибатли бўлиши, озиқ-овқат, кейин-кечаклардан камчилик кўрмаслиги шарт. Бунга эришиш учун давлатимиз ҳам, офицерларимиз ҳам куч-куватини аяётгани йўқ.

Шахсий таркиби ўқитиш, тарбиялаш, жанговар тайёргарлигини ошириш кундалик хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришдаги асо-

сий омилдир. Махсус тайёргарлик, ҳуқуқий тарбия, ўқотиш, жисмоний тайёргарлик, қўл жанги, маънавий-сиёсий тайёргарлик — Қоровул күшинлари хизмати асосан шуларга боғлиқ. Айниқса, тактик тайёргарликни билган аскар хизматда қийналмайди. Шу сабабли улар билан тез-тез ҳарбий дала машғулотлари ўтказилиб турилади.

Бўлинмамида ҳуқуқий тарбияга ҳам катта аҳамият берамиз. Ҳарбий прокуратура, суд ходимлари билан учрашувлар ўтказилади. Унда аскарларимиз ўzlari қизиқсан саволларга жавоб олишади.

Бундан ташқари, ота-оналар, фахрийлар ҳам бўлинмами-

да тез-тез ташриф буюрадилар. Фахрийларимиз ўшларга ўз иш тажрибалари, ҳарбий хизмат ва унинг ўзига хос томонлари ҳақида ҳикоя қиласидилар.

Бўлинмамиз жойлашган худуд аҳолиси билан ҳам жуда яхши алоқадамиз. Байрамларда улар келиб, курсандчилигимизга шерик бўладилар. “Наврўз” байрамида эса онахонлар катта қозонларда сумалаклар пишириб, аскарларимизни сийлашади. Армия ва халқнинг дўстлиги рамзи сифатида “Уч тут” маҳалласи фуқаролар йигинининг раиси Ў. Чўлиев бўлинмамизга минг туп ўрик, шунингдек, олма, ёнғоқ каби мевали да-рахтларнинг кўчатини совфа қилди. Жамоамиздаги таъмирлаш ишларида ҳам маҳаллий усталар беминнат ёрдам бермоқдалар.

Ҳарбий оркестримиз вилоятда биринчи ўринни олди. Оталиққа олинган боғчамиз-

да тез-тез бўлиб, болажонларга совгалар улашиш билан бирга боғча биносини таъмирлашда ҳам қўлимидан келганича ёрдам бермоқдамиз.

Аскарларимизда хизмат қилаётган бўлинмаларига нисбатан хурмат ва мөхр уйғотишида офицерларимизнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, П. Дубинин, И. Фофуров, А. Брюханов, В. Ҳалимзаде каби кўплаб офицерларимиз шахсий таркибга нисбатан оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Бизнинг бўлинмамида Ш. Ниёзов, В. Бухтеев, Қ. Алиев каби таниқли генерал-майорлар хизмат қилган. Мақсадимиз, ҳар бир аскар устозига муносиб инсон бўлиб, халқимиз, юртимиз тинчлиги, осоишиштаги йўлида хизмат қилсан. Бўлинма раҳбарияти бу улуф мақсадга етиш йўлида тинмай меҳнат қилиб, шахсий таркибни тарбиялайверадилар.

**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА
сұхбатлашиди.**

Кинология хизмати

Чуст шаҳридаги Розихон маҳалласида жойлашган маъмурлий бино ёнидан шу шаҳарда яшовчи X. Обиддининг жасади топилди. Туман ИИБ тезкор гурухи таркибида “Чара” лақабли хизмат ити ҳам бор эди. Қидириув жараённида фаол иштирок этган “Чара”ни из олишга ўргатган инспектор-кинолог милиция кичик серженти Жамшид Жўраевнинг хизматлари зое кетмади. Ит из орқали бориб, қотилни ушлаб берди.

“ЧАРА” ҚОТИЛНИ ТОПДИ

Тўракўрғон туманинда Сайрам кишлоғида яшовчи А. Марахимовнинг ховлисида боғлиқ турган икки бош қорамол тунда фойиб бўлади. Тезкор қидириув гуруҳида иштирок этаётган вилоят ИИБ патрульпост хизмати ва жамоат тарбиини сақлаш бошқармаси кинология хизмати ходими Илҳом Жўраев ўргатган “Кина” лақабли ит қорамолларни топди. “Ёртепа” қишлоғи О. Тўрамолларни хўжаликнинг овлоқ жойига яшириб қўйган экан.

Ха, хизмат итлари жиноятни очиш ва айборн тутиша ичиши ишлар ходимларига катта ёрдам беряпти. Уларни чегара постида, обектларни қўриклишда, тезкор гурух билан воеа жойида учратамиз.

— Ўтган олти ой давомида хизмат итларимиз икки юздан ортиқ чакириқа чиқиб 120 та жиноятни очилишида иштирок этди, — деди Наманган вилояти ИИБ кинология хизмати бошлиғи, милиция подполковники А. Абдуқодиров. — Ўғрилик, қотиллик жиноятларни аниқлаш, гиёхвандлик модаларини, ўқтар куролларни топища хизмат итлари кўл келмоқда. Шунинг учун ҳам зотдор итларни кўпайтириб, хизматларда кенг фойдаланишга ётибор кучайтириляпти. Айни кунларда вилоят ИИБ питомнигида таъмирлаш ишларини олиб боряпмиз. Жониворларни зооветеринария қоидаларига амал қўлган ҳолда парваришиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига эришиш мақсадида мута-

хассислар билан келишиб итларни сақлаш, айлантириш, ўргатиш жойларини янгитдан курдик.

Поп тумани Уйғурсой қишлоғидаги итларни ўргатиш марказида тажрибали кинологлар машғул олиб боришиди. Жониворлар бир неча йўналишида ўргатилади. Гиёхвандлик модаларини топишга итлар анча ёшлигидан тайёрланади. Ўқотор куролларни топиш ва жиноятчими куролсизлантиришга ўргатилган итлар ўқ отилаётган томонга эмаклаб боради. Камикадзе итлари эса портловчи моддани ўзи билан олиб, айтилган манзилга йўл олади ва нишонни йўқ қиласди.

— Шу ийлнинг баҳорида Жиззах шаҳрида ўтказилган кинологиялар мусобақасида ит ўргатишнинг яна қатор усуулларини билиб олдик, — деди хизмат итларни тайёрлаётган ходимларга раҳбарлик қилаётган милиция капитани Б. Норматов. — Бошқа вилоятлардан келган ҳамкасларимиз билан тажриба алмашдик. Итларни ўргатиш, хизматга тайёрлаш жўн ишдай кўринади. Бирок, унинг ўзига хос машақатлари бор. Ходимларимиздан И. Жўраев, З. Шокиров, А. Мехмоновлар бу борада ҳамкасларига намуна бўлишяпти.

Бир сўз билан айтганда, наманганлик кинологлар хизмат итларини тайёрлаш, уларни жиноятлар очилишида иштирок этишини таъминлашга астойдил харакат қилмоқдалар.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Миннатдорчилик

АСЛО КАМ БЎЛМАНГ!

Яқинда оғилхонада турган соғин сигиримиз ғойиб бўлди. Орадан иккى кун ўтиб, тирикликка яраб турган отимизни ҳам ўйрлаб кетишиди. Жуда танг ахволда қолдик. Сигиринг сутини сотиб, рўзгорни тебратадётган эдик. Кўни-қўшиллар милицияга хабар қилинг, дейишиди. От билан сигирдан ажралдим деб ўйлаган эдим. Бирок, Бўка тумани милиция ходимлари орадан иккى кун ўтиб жониворларни топиб беришиди. Оиласиз кувончини сўз билан таърифлаб олмайман. Ўгриларни ушлаб от ва сигиримизни ўзимизга қайтариб берган милиция ходимлари У. Якубов, Б. Сайтибетов, А. Шодибеков, Ш. Мусаев, А. Элчибоевларга ражмат айтамиз. Асло кам бўлманг, азиз посонлар!

**М. ТОШМАТОВА.
Бўка тумани “Гулестон” ширкат хўжалиги.**

Тўйхат ўрнида

1952 йилнинг айни саратор пайти, 16 июль куни Фориш тумани Қорабдол қишлоғида яшовчи Ибодулла аканинг оиласида ўғил дунёга келди. Йиллар ўтиб мана шу чақалоқ қишлоқнинг биринчи полковниги бўлиши кимнинг хаёлига келиди, дейсиз.

Ёшлигидан курашу кўпкарilarда чиниқиб, совинларни кўлга киритиб полвон номига мушарраф бўлган Қурбонбой ака машақатли, лекин шарафли касбнинг ҳақиқий эгаси бўлиб этишиди.

Қурбонбой ака милициянинг барча тизимларида ўз иқтидорини синааб кўрди. Кас-

ҚИШЛОҚНИНГ БИРИНЧИ ПОЛКОВНИГИ

бига бўлган садоқат, фидойилик унга обрў келтириди.

Ҳозирда Сирдарё вилояти ИИБ ташкилий инспекторлик бўлими бошлиғи лавозимида ишлайдиган Қурбонбой ака ҳаётидан маминун. Хизмат йиллари ўқиди, ўрганди ва бошқаларга ҳам ўргатди.

Куни кечга шогирд бўлиб юрарди. Эндиликда ўзи устоз, қанча-қанча шогирлар етишиди, ёш ходимларни тўғри йўлга бошлади. Ҳозирги кунда ҳам у кишига мурожаат қилган ҳар бир ёш ходимга оталарча муносабатда бўлиб, хизмат сирасорларни ўргатишдан эринмайди. Маҳаллада ҳам Қурбонбой аканинг маслаҳатисиз бирон ишга кўл урilmайдi.



Қаюм КАРИМОВ.

Қурбонбой ака турмуш ўртоғи Гулсара опа билан етишини тарбиялаганлар. Уларнинг уч нафари ўзларидан тинган. Уччала куёви ҳам ичиши ишлар ходими.

Умрни оқар дарёга бекорга қиёслашмас экан. Буни қаранг, ичиши хизмат полковниги Қурбонбой Қўллошев бугун табарурик 50 ённи қоралаб қўйибди. Халқ тинчлигини ўйлаб, осоишишта яшашимизга ўз ҳиссасини қўшаётган, ёш ходимларга мураббийлик қилаётган устозимизга тани-сиҳатлик, узоқ умр ва баҳт-саодат тилаймиз. Илоим, бола-чақалари баҳтига доимо омон бўлсинлар.

Каюм КАРИМОВ.

...Пайшанбадан

пайшанбагача...

СОБИҚ ПОЧЧА ҲИБСДА

Қашқадарё вилоятининг Яккабод туманида яшовчи М. исмли аёл эрининг зуғумидан безиб ахийри ундан ажрашиди. Бироқ аёл шунда ҳам унинг таъқибидан халос бўлолмади. Кеч соат 01 дан ошганда собиқ хотининг уйига кириб келган И. яна жанжал кўтарди. Уни тинчлантиришга уринган қайин укалари, 1979 йилда түғилган Ҳ. ва 9-синиф ўқувчиси Н.ларга пичоқ билан ташланди. Уларнинг ёрдамга етиб келган Қўшниси А. ҳам пичоқ зарбига дуч келди. Натижада Ҳ. шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмди, қолган жабралувчилар касалхонага ётқизилди. Ҳозирда собиқ почча ҳибса олинган.

СЕРКИРРА “ФАОЛИЯТ”

Тошкент шаҳрининг Миробод туманида содир этган жиноятни учун ҳибса олинган 1969 йилда түғилган, Қўйлиқ даҳасида яшовчи Д. исмли шаҳс фаолиятининг янги “Қирралари” очилмоқда. Муқаддам судланган бу кимса кўлга олинишидан беш кун аввал ҳам бир қабиҳ ишга кўл урган экан. У Қўйлиқ 2-даҳасида яшовчи пенсионер М. нинг хонадонига бостириб кириб, уни ва ўелини ўлдириш билан кўрқитиб, катта миқдорда пул ва бўшқа уй-рўзгор буюмларни олиб кетгани ошкор бўлди. Жабралувчилар бу босқинчилик ҳақида милицияга хабар бермаган экан.

ШУБҲАЛИ МЕҲМОН

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида юриш-туриши шубҳали, кўзи бежо бир шах текшириш учун тўхтатилди. У 1945 йилда түғилган москвалик А. бўлиб чиқди. Муқаддам судланган бу “мехмон”нинг сумкаси текшириб кўрилганда 1 килограмму 204 грамм героин борлиги аниқланди. Энди у узоқ йиллар бизнинг иссиқ ўлқада “мехмон” бўлиб қолса керак.

ҲАВОЙИ ОРЗУ

Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида кўлга олинган, 1958 йилда түғилган А. ва 1965 йилда түғилган М. лар шоҳона ҳаёт кечиришмоқчи эди. Қандай қилиб дейсизми? Уч килограммга яқин геронин сотилишидан блинидиган фойда ҳисобига. Улар бу кун ўзларининг озодликдаги сўнити дамлари эканини ҳаёлларига ҳам келтирмаган эканлар.

ДАЛИЛЛАР ЎТДА КУЙМАДИ

Самарқанд шаҳрининг Темирйўл туманида яшовчи пенсионер Ш. Самитовнинг хонадонига ёнгин содир бўлиб, баъзи уй жиҳозлари ёниб кетди. Тилсиз ёв жиловлангач, ичкари кўздан кечирилганда уй эгасининг мурдаси топилди. У кўйишдан олдин тан жароҳати ҳам олгани маълум бўлди. Кейинги қидириув-суринтирув ишлари натижасида эса ушбу жиноятни содир этган Тошкент вилоятиниг Бекобод туманида яшовчи, 1968 йилда түғилган М. кўлга олинди. Гумондорнинг тан олишича, қотилликни ўзаро келишмовчилик оқибатида содир этиб, жиноятини яшириш мақ



Мамлакатимиздаги йўллар анча равон бўлиб қолди. Шу сабабли автомобиллар тезлигини 90 км/соат килиб белгиласа бўлмайдими?

Н. Тошматов.

Фарғона вилояти Яйпан шахри.

Жавоб: – 2001 йил 1 марта бошлаб амалга киритилган янги таҳрирдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”-нинг “Ҳаракатланиш тезлиги” деб номланган бандида бу ҳақда аниқ маълумот берилган.



Мени бир масала қизиқтиради. Болага васийлик ва ҳомийлик қандай мақсадни кўзлаб белгиланади?

З. Омонова,

мехнат фахрийси.

Жавоб: – Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 21-боби 173-моддасига биноан вассий ва ҳомий ота-онасининг қарамогидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий-ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланади.



Ўғлим ички ишлар идорасида участка инспектори бўлиб ишларди. Хизмат бурчани бажараёттанида вафот этган. Оиласи ва бир фарзанди бор. Бизга, аниқроғи унинг ўғлига давлатимиз томонидан пенсия берилади. Ўғлимники каби оиласалар учун бошқа имтиёзлар ҳам мавжудми?

А. Кўзибоев.

Жиззах вилояти.

Галлаорол шахри.

Жавоб: – Амалдаги тартибга кўра вафот этган ички ишлар идоралари оддий ва бошлиқлар таркибидаги шахсларнинг қарамогида бўлган, меҳнатта лаёкатсиз оила аъзолари бокувчисини йўқотганлик ҳолати бўйича пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар учун бошқа имтиёз мавжуд эмас.

БОСҚИНЧНИ ЧУВ ТУШИРА ОЛАСИЗМИ?

Ўзаро жиноий тил биритирган Марат (исмлар ўзгартирилди) ва Азим куппакундуз куни хонадонлардан бирига ўғирлика кириши. Бу пайтда уйда ҳеч ким йўй эди. Улар дарвоза тепасидан ҳовлига ошиб тушиб, хонага дераза ойнасни очиб олиб кирдилар. Икковлон ҳаммаёни ағдар-тўнтар қилиб, бир дона тилла узук, бир жуфт тилла зирақ, марварид шодаси, 45 минг сўмлик турли хил матолар, жами 110.000 сўмлик буюмларни қопга жойлашди. Ўғрилар энди ташқарига йўналганда уй эгаси Маъсуда опа келиб қолди.

– Ҳой ким бор, ёрдам беринглар, уйиним ўғри урди? – жон-жаҳди билан бақири бошлади уй бекаси уларни кўргач.

– Шовқин солманг, буюмларингизни қайтариб берамиз, – деди Марат елкасидаги қопни ерга кўйиб аёл томонга юрар экан.

– Яқинлашма босқинчи, қўшнилар, ушланглар талончиларни! – овозини бадтар кўтарди Маъсуда опа.

– Бас қил, шаллақи! – кўтилмаганда Азим чўнтағидан тиф чиқариб, хонадон соҳибасининг бўйни ва қорнига бир неча марта санчди. Аёл қаттиқ инградио “шилқ” этиб ерга кулади. Марат унинг бўйнидаги тилла занжир ва кулонни юлкиб олди. Ўғрилар кириб қотилга айланган ҳамтовоқлар воқеа жойидан тезда яширилар...

Шу тариқа арзимаган мол-мulkни деб бир инсоннинг умри ҳазон бўлди. Тўғри, кўп ўтмай қотиллар милиция ходимлари томонидан кўлга олинди. Аммо ушбу фожия юз бермаслиги ҳам мумкин эди-ку! Албатта-да. Агар Маъсуда опа саросимага тушмай, ўзини босиқ тутиб, ақл билан иш кўрганда эҳтимол бевақт оламдан ўтмас эди.

Хавфсизлик ўз кўлимида эканлигини унутмаслик зарур.. Инсон умри қил устида турган бир паллада мол-мulk нима деган нарса. Ҳар қандай вазиятда, хоҳ у баҳтсиз ҳодиса, хоҳ жиноятчи тажовузи бўлсин, ўзимизни эҳтиёт қилганимиз маъкул. Шу ўринда Фуқаро муҳофазаси институти ўқитувчиси З. Илёсованинг “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” кўлланмасида билдирилган фикрлар мулоҳазаларимизга ҳамоҳангидир.

Уйга қайтгач, кўча эшик очиқлигини кўрдингиз, дейлик. Қандай ҳаракат қилишингиз лозим?

Аввало уйга киришга шошилманг. У ерда жиноятчи бўлиши мумкин. Ичкаридан нотаниш овозлар эштилаяптими, йўқми, кулоқ тутиб кўринг. Агар таниш овоз келса, ичкарига кириб уйдагиларга кўча эшик очиқ қолганини айтинг.

Хонада сокинлик ҳукм сурса ҳушёр бўлинг: жиноятчи яширинган, ҳужумга тайёр турган бўлиши мумкин. Шу боис аввал эшик ва қулфлар бутун эканлигини текшириб кўринг.

Агар эшик кулфи бузиб очилмаган бўлса, кўшниларни чакириб, уйга бирга киришларни илтимос қилганинг яхши. Уйга кира туриб эшикни ланг очиқ қолдиринг. Хоналарда бегона одам йўқлигини текшириб кўргандан кейингина қимматбаҳо буюмлар жойидами ёки йўқлигини кўздан кечиринг.

Агар эшик кулфи бузиб очилган бўлса, уйга кирмаслини маслаҳат берамиз. Тезда кўшниларга маълум қилиб, милиция ходимларини чакириш зарур.

Ўзингиздан нотаниш кимсалар буюмларни кўтариб чиқаётганини кўрсангиз улар ёндан хотиржам ўтиб, белгиларини эслаб қолинг ҳамда қўшниларнидан милицияга сим қоқинг.

Юқоридаги воқеада тилга олинган Маъсуда опа каби уйга кириб, у ерда бегоналарни кўрдингиз, дейлик.

Тезда уйдан қайтиб чиқиб, кўча эшикни ташқаридан кулфлашга ҳаракат қилинг. Уйдан чиқиб кетишга ултурмасангиз босқинчиларнинг чиқиб кетишига тўсқинлик килманг. Яхшиси, илохи борича кўпроқ белгиларни эслаб қолганинг маъкул.

Сизга ҳужум қилишса “Ёнгин!” деб ёрдамга чакиринг. Одамлар “Ўғри!” деган чакирика нисбатан ана шу сўзни эшитганда тезроқ ёрдамга шошиладилар.

Нафакат уйда, балки ташқаридан ҳам ўзимизни муҳофаза қилиш қоидаларини билиб, уларга амал қилиб яшасак ёмон бўлмайди. Ҳаётингиз ва соғлиғингизга ҳаффи солиши мумкин бўлган вазиятларга тушиб қолишидан ўзингизни саклашда мутахассиснинг юқоридаги маслаҳатлари асқотади, деган умиддамиз.

С. ШОДИЕВ.

Саломатлигингизни асранг

АГАР БОШИНГИЗ ОФРИСА...

Хаётда ҳеч бўлмаса бир марта “бошим оғрияти” демаган одам топилмаса керак. Шифокорлар боши оғриган киши чираб юравермай, дархол оғрикни келтириб чиқарган манба ва уни даволаш ўйини қидириши лозимлигини таъкидласада, биз анъанавий усуслан воз кеча олмаймиз. Яни, бир дона цитрамонни ютамиз-да... “барибир бошимнинг оғриги қолмаяти” деб юраверамиз.

Оғриқ қолмаётганинг сабаби – уларнинг келиб чиқиши турличалигидадир. Унинг сабабини билсангиз, дорисиз ҳам бартараф эта оласиз. Булар қуйидагилар:

* Узоқ давом этган низоли иғилишдан бошингиз оғриб қолса бир сиқим писта (кунгабоқардони) чақинг ёки сувда қайнатилган ярим пиёла гуруч-

га икки ош қошиқ кунгабоқар ёғини аралаштириб енг. Писта ва гуручдаги В₁(тиамин) дармондориси сиз учун беозор муолажа ўрнини босади.

* Батъзан кучли асабийлашишдан ҳам боши оғрийди. Бундай пайтда бир бўлак парранда ёки балиқ гўшти есангиз, уларнинг таркибидаги В₃(ниацин) дархол оғрикни қолдиради.

* Аёлларда баъзан ҳайз кўриш даври кучли боши оғриқ билан кечади. Сут маҳсулотлари ва пишлок (B₁₂) дармондориси)ни кўпроқ истеъмол қилиш бундай оғрикни қолдиришнинг энг осон усулидир.

* Айрим одамлар ҳавонинг ўзгаришига нисбатан таъсиридан бўлади – боши қаттиқ оғриб, ланж кайфиятда юради. Бундай пайтда ейилган озгина ёнгок, сельд балиғи ёки сумалак боши оғриги учун даводир.

* Күёш нури таъсиридан – экологик характеристики ёки шахарнинг шовқин-суронидан бўшигиз оғриса коҳи (салат) япроқлари оғрикни қолдиради. Уни истеъмол қилишдан олдин

майдалаб тўғраб, икки ош қошиқ писта ёғи ќўшинг. Салат таркибидаги Е дармондориси боши оғригини қолдирувчи омиллардандир. (Бозорларимизда ям-яшил коҳу-салатлар жуда сероб).

* Инсон шамоллаганда ҳам боши оғрийди. Қора қорағат (смодорина) ва лимон шарбати (пўстлоғисиз)ни кўшиб истеъмол қилсангиз, улардаги B₆ дармондориси шамоллашдаги, шунингдек, “байрам дастурхони”дан кейинги боши оғригини ҳам даволайди.

* Кўп миқдорда ичилган спиртил ичимлик мия қон томирларининг сикилишига олиб келади. Натижада боши “ёрилай” деб оғрийди, кайфият бузилади. Эрталабки “боши оғриқ”ларнинг бундай турини даволаш учун нонуштага апельсинни ширин булғор қалампири ёки бананин исмалоқ билан ейиш керак.

“Здоровье” журналидан олинди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ХООБ бошлиги, милиция подполковники А. Арслоновга оласи

Хуришико ОХУНОВАнинг вафот эттанилиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Пискент тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани Э. Соатовга волидан мұхтарасаси ФОТИМА Аянинг вафот эттанилиги муносабати билан чукур ҳамдардлик билдирадилар.

ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Боши бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Боши бошқарма ёнгин учиринни ташкил этиш бўлнимининг катта мұхандиси, ичкى хизмат подполковники Р. Режаматовга волидан мұхтарасаси

ИНОЯТ аянинг вафот эттанилиги муносабати билан оила аъзоларига чукур ҳамдардлик билдирадилар.

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Shuhrat
MURODOV

Bosh muharrir
o'rinnbosari v.b.
Murod TILLAYEV

Mas'ul kotib
B. AZIMOV
Navbatchi:
S. SHODIYEV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir
o'rinnbosari 139-75-69.
Mas'ul kotib 139-73-88.
mubaxilar
bo'simi 139-75-69.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari
bo'yicha murojaat uchun
faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki
Toshkent viloyati
Bosh boshqarmasi.
hisob raqami:
21596000500447980001,
MFO 00025.

ABN AMRO Bank MB
O'zbekiston A.J.
2021000300447980002
MFO 00831,
i/r 5033853
INN 200637499

- Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida **00007** raqam bilan ro'yhatga olingan Buyurtma Г – 645. Hajmi – 4 bosma taboq. Bosilish – ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqt – 19.00.
Bosishga topshirildi – 19.00.

Obuna raqami – 180
Umumiy tiraj 41.236 nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi
41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.